

HP

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2013 йил 22 октябрь • сешанба № 40 (880)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz www.insonvaqonun.uz www.insonvaqonun.adliya.uz

Обуна бўлинг!

“Инсон ва қонун”




Сиз билан,
Сизнинг
ҳимоячингиз,
Сизнинг
маслаҳодчингиз

Нашр кўрсаткичи — 137

Сайлов олдидан

Халқ ҳаётининг кўзгуси

фуқаролар йиғинлари раислари (оксоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг ҳуқуқий ҳафолатлари



МАМЛАКАТИМИЗДА маҳалла азалдан тинчлик-тотувлик, инсонийлик, меҳр-муруват, бағрикенглик ва тарбия маскани, маърифат мактаби, ибрат дархонаси сифатида эъзозланган. Юртимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг ушбу ноёб тизимини ривожлантириш, мажбурий янада юксалтиришга олоҳида эътибор қаратишмоқда. Зеро, миллий қадриятларимиз, эътиқод ва тафаккуримиз, урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлашда халқ ҳаётининг кўзгуси бўлган маҳаллаларнинг аҳамияти бекибдир.

МАЪЛУМКИ, жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари (оксоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтди. Бўлажак сайловда 9756 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 97 минг нафардан зиёд маслаҳатчиси сайланиши режалаштирилмоқда. Энг муҳими, ушбу сайлов 50 дан ортиқ ўзгариш ва қўшимчалар киритилиб, янги тахрирда қабул қилинган “Фуқаролар йиғини раиси (оксоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Қонун талаблари асосида ўтказилди. Бугун жойларда ушбу тадбирни ўтказиш борадида қизгин ишлар олиб боришмоқда.

Жумладан, барча фуқаролар йиғинларида фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлари тузилмоқда. Қонунга киритилган ўзгаришларга мувофиқ ушбу ишчи гуруҳлари фақат фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) қарори билан тузилади ва навбатдаги сайлов эълон қилингунча фаолият юритади.

Янги тахрирда қабул қилинган Қонунга мувофиқ ишчи гуруҳининг ваколатлари кенгайтирилганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур. Эндликда ишчи гуруҳга ҳовиллар, уйлар, қўшарлар ҳамда шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ва овуллардаги маҳаллалар аҳолисининг фуқаролар вакиллари сайлови бўйича умумий йиғилишларини ташкил этиш ва ўтказиш, аҳоли умумий йиғилиши иштирокчиларини рўйхатга олиш, йиғилиш баённомасини тузиш, тегишли ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда нафақат фуқаролар йиғини раиси, балки унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар бўйича таклифлар тайёрлаш, бўшаб қолган ўринларга сайлов ўтказилишини ташкил этиш каби ваколатлар ҳам берилди.

Қонунга киритилган муҳим ўзгаришлардан яна бири фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига икки ва ундан кўп номзод кўрсатилиши ҳамда фуқаролар йиғини раисига қўйиладиган талаб қўйирилганлигида намоён бўлади.

Хусусан, ушбу жараёни ушбоқлик билан ўтказиш борадида Самарқанд вилояти Нуробод туманида ҳам қўллаб ишлар амалга оширилмоқда. Туманининг 35 та маҳалласида 139 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Ушбу маҳаллалар 7 та қишлоқ фуқаролар йиғинидан ташкил топган.

Адлия вазирлигида

Ҳуқуқий экспертиза қонунчилик техникасини такомиллаштиради

КЕЧА Адлия вазирлигида ташкил этилган навбатдаги матбуот анжуманида “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида қонун ижодкорлиги” мавзуи юзасидан фикр юритилди.

ТАЪКИДЛАШ ЖОИЗКИ, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тайёрланаётган норматив тусдаги қарор лойиҳалари сифатини янада ошириш, қонунчиликка мувофиқ ишлаб чиқилишини таъминлаш мақсадида, Адлия вазирлиги томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини экспертизадан ўтказишда қўлланма сифатида “Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги йўриқнома қабул қилинди.

Ўқув-машғулот

Ўтмишдан фахрланиш туйғуси кўнгилларни шод этди

МАМЛАКАТИМИЗДА тарихимизни пухта ўрганиш, буюк аجدодларимиз хотирасини эъзозлаш, уларнинг асрлар давомида яратган бебаҳо маънавий ва маданий меросини тиклаш ҳамда уни асраб-авайлашга олоҳида аҳамият қаратишмоқда. Бу хайрли ишларнинг қаторида музейлар фаолиятининг тубдан ислоҳ қилинганлигини таъкидлаш жоиз. Бугунги кунга келиб, музейлар ватандошларимиз, айниқса, ёшларимизнинг она юртва сadoқат руҳида тарбияланишида муҳим аҳамият касб этмоқда, десак янглишмиш.

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА мунтазам ўтказиб келинаётган ўқув-машғулотнинг навбатдагиси пойтахтимизнинг Темурйўл тарихи давлат музейида уюштирилди. Ноъанавий ўтган ўқув-машғулотда вазирлик ходимлари халқимиз тарихидаги ёрқин сиймо, шавкатли саркарда, дипломат, ҳар бир ишга қонунийлик нуктаи назаридан ёндашган соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг бунёдкорлик, ободончилик соҳасида олиб борган улкан ишлари ҳамда темурйўл тарихига оид ноёб экспонатлар билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдилар.

Давра суҳбати

Юрт тинчлиги — бебаҳо неъмат уни асрашга барча масъул

ШУ КУНЛАРДА Самарқанд вилояти адлия бошқармаси томонидан ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари ҳамкорлигида жойларда давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси мустоқиллигининг йиғирма йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “...Бизга тинчлик ва омонлик керак...”, шунингдек, “...Бегомлик ва бепарволикка йўл қўлмасдан, хушёрлик ва уйғоқлик билан яшашни ҳаётнинг ўзи барчамиздан талаб этмоқда...”, деган дэватининг аҳамияти юзасидан давра суҳбати ўтказилмоқда.

БУГУНГИ КУНДА халқаро вазиятнинг шиддат билан ўзгариши, давлатлараро заидиятларнинг кучайиши, кескинлигининг янада ортиши, ер юзининг турли нукталарида янги низо ўчоқларининг пайдо бўлиши жаҳон жамоатчилигида катта ташвиш ва хавотир уйғотмоқда.

Янги қонун кучга кирди

Глобал муаммога қарши мустаҳкам тўсиқ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Нурия АЙТЖОНОВА билан суҳбат

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ Ислам Каримов раҳнамолигида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, юқумли касалликлар бўйича санитария-эпидемиологик муҳитнинг барқарорлигини таъминлаш борадида амалга оширилаётган кенг қўлмали ишлар ўзининг юксак самараларини бермоқда.

2013 йил 23 сентябрда “Одамнинг иммунитет танқислиги вирус келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши бу борадаги ишларни янада юқори басқичга олиб чиқишда муҳим ҳуқуқий асос бўлади.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мухбири мазкур Қонуннинг мазмун-моҳияти, мамлакатимизда ОИВ инфекцияси бўйича барқарор эпидемиологик муҳитни янада мустаҳкамлашдаги аҳамияти хусусида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Нурия АЙТЖОНОВА билан суҳбатлашди.

ишлаб турибди. Ушбу тиббиёт муассасаларини ОИВ инфекциясини эрта аниқлаш ва ташхис қўйишда ишлатиладиган технологиялар билан жиҳозлашга ўн миллион АҚШ долларидан кўпроқ маблағ йўналтирилди. Аҳоли ўртасида мазкур касаллик тарқалишининг олдини олиш бўйича кенг қўлмали ишлар амалга оширилмоқда. Тиббиёт ходимларининг малака ва маҳоратини юксалтиришга оид кўплаб лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилапти. Бундай изчил ва тизимли ишлар касаллиқнинг олдини олиш ва вазиятни барқарор сақлаш имконини бермоқда. Шу билан бирга, бутун дунёдаги ва минтақамиздаги эпидемиологик вазиятнинг кескинлиги, сайёҳлар сонининг тобора ошаётганлиги, миграциянинг ўрнининг бу масалага эътиборни янада кучайтириши тақозо этмоқда.

— ОДАМНИНГ иммунитет танқислиги вирус оқибатида келиб чиқадиган касаллик бугунги кунда барча мамлакатлар учун глобал муаммога айланган, — деди Н.Айтжонова. — Ушбу касаллик аҳолининг меҳнатга қобилиятини қисмини зарарлаштириб, бундай беморларни даволаш ва ижтимоий ҳимоя қилишга кетадиган сарф-харажатларнинг катталиги, шунингдек, мамлакатнинг демографик ҳолатига ва иқтисодий тараққиётга ҳавф туғдириши муаммога қарши курашишнинг янада самарадор усул ва воситаларини топиш ҳамда жорий этишни тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда мазкур йўналишда 1999 йил 19 августда “Одамнинг иммунитет танқислиги вирус билан касалланишнинг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, соҳани қонун даражасида тартибга солуви ҳуқуқий асос яратилган эди. Президентимизнинг 2008 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекциясининг тарқалишига қарши курашнинг самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори юртимизда мазкур соҳага оид ягона тизимни ташкил этиш, махсус марказларнинг моддий-техник базасини тақомиллаштиришда муҳим омили бўлаётди.

Республика ОИТСга қарши кураш маркази, унинг ўн тўртта ҳудудий тузилмаси, олтишга яқин туманлараро ҳамда ўн та республика тиббиёт муассасасида мазкур йўналишда замонавий услубларда тиббий таҳлиллар ўтказадиган лабораториялар

Бугун халқаро ҳамжамиятда ОИВ касаллиги тарқалишига қарши курашиш масаласида ёндашувлар ҳам кескин ўзгармоқда. Бу, ўз навбатида, ушбу масалага комплекс ёндашуви талаб этади. Мазкур жараёнда нафақат давлат органлари, балки кенг жамоатчилики жалб қилган ҳолда ҳамкорликда ҳаракат қилиш, миллий қонунчиликни тақомиллаштириш зарурати юзага келди.

Қабул қилинган янги Қонун беш боб, йиғирма саккиз моддадан иборатдир.

Адлия ёрдам берди

Ҳужжатларни тиклаш

ва кредит шартномасини бажариш мажбурияти юкланди

МАМЛАКАТИМИЗДА тадбиркорликни ривожлантириш, улар фаолиятини ҳуқуқий ҳафолатлашга ва эркин фаолият юритишини таъминлашга қаратилган зарур ҳуқуқий асослар яратилган.

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 6 ойи давомида Сурхондарё вилояти адлия бошқармасига тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгаларидан 110 та мурожаат келиб тушди, уларнинг 91 таси қўриб қилиб, қонуний ҳал этилиши таъминланди. “Ишонч телефони”га тушган 46 та мурожаатнинг 32 таси қаноатлантирилиб, тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари тикланди.

Тадбиркорлик субъектлари мурожаатларини ўрганиш давомида айрим тижорат банклари томонидан тадбиркорлик фаолиятига суъий тўқсинлик қилиш ҳолатлари учраётганлиги аниқланди.

Жумладан, Қумқўрғон туманида фаолият юритаётган “Ўжамулқи ота” хусусий фирмаси раҳбари Б.Усановнинг ОАТБ “Қишлоққурилишбанк” Қумқўрғон филиали томонидан 2012 йил 20 декабрь куни қишлоқ ҳўжалиги техникалари ва эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун

75 000 000 сўм кредит маблағи ажратиш ҳақида 143-сонли кредит шартномаси тузилган бўлса-да, кредит ҳужжатлари йиғма жилдининг асл нусхаси йўқолганлиги сабабли, банк томонидан кредит ажратиш рад этилаётганлигидан норози бўлиб ёзган мурожаати ўрганилиб, вилоят ҳўжалик судига даъво аризаси киритилди. Суднинг 2013 йил 11 июлдаги ҳал қилув қарори билан ОАТБ “Қишлоққурилишбанк” бошқаруви зиммасига хусусий фирма билан банкнинг Қумқўрғон филиали ўртасида тузилган кредит шартномаси ва унинг бирламчи ҳужжатларини тиклаш ва кредит шартномасини асл ҳолича бажариш мажбурияти юкланди ва тадбиркорнинг бузилган ҳўқуқи тўлиқ тикланиши таъминланди.

Бахтиёр ТОЖИЕВ,
Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари

Шанхайда Алишер Навоий ҳайкали

ЯҚИН КУНЛАРДА Хитойнинг Шанхай университети хиббониди буюк ўзбек мутафаккири, сўз мулкнинг султони мир Алишер Навоий ҳайкали қад кўтаради.

ШУ ОЙНИНГ бошларида Тошкент шаҳар ҳокимлиги вакилларида иборат делегация мазкур обидига тантанали равишда тамал тошини қўйиш маросимида иштирок этди.

Шанхай университети ректори Ли Вэньинг айтишича, Ўзбекистон ва Хитой алоқалари кўна ва бардавомдир. Алишер Навоий мероси ва қад рўстлаш-жақ сиймоси бу икки халқ дўстлиги янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда бобоқалонимиз ҳайкали Тошкент, Самарқанд ва Навоий шаҳарларидан ташқари, Москва, Токио ва Боку сингари пойтахт шаҳарларда ҳам савлат тўкиб турибди.

(Ўз мухбиримиз)

Хабарингиз борми?

Қишлоқ жойларда яқка тартибда уй-жой қуриш комплекс дастури доирасида 2009-2012 йилларда намунавий лойиҳалар асосида 159 та қишлоқ туманида 650 та янги уй-жой массиви барпо этилди. Умумий майдони 3,2 миллион квадрат метр бўлган 23,6 мингдан ортиқ яқка тартибдаги уй-жой қурилди. Ушбу мақсадларга 1,2 миллиард АҚШ долларидан зиёд миқдорда инвестициялар йўналтирилди. Жорий йилда 353 та қишлоқ массиви ҳудудига 10 мингта уй-жой қурилиши учун банктар томонидан 1 триллион 385 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Мотор мойи — экспортга

“ЎЗАВТОСАНОАТ” акциядорлик компанияси ва “ЛУКОЙЛ” нефть компанияси (Россия) биргаликда мотор мойлари ҳамда техник суюқликлар ишлаб чиқариш ва улар савдосини йўлга қўйиш юзасидан ҳамкорлик келишувини имзолади.

КЕЛИШУВ меморандумида жорий йилнинг июнидан мамлакатимизда ишлаб чиқариши бошланган “UzautoOil” мотор мойларини фақат Ўзбекистонда эмас, балки Марказий Осиё давлатларида ҳам сотилиши кўзда тутилган.

Шу билан биргаликда “ЛУКОЙЛ” нефть компанияси “Ўзавтосаноат” акциядорлик компаниясига мамлакат ҳудудига мойлаш материаллари ва техник суюқликлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган завод қурилиши бўйича маслаҳат ёрдам хизматларини ҳам тақдим этади.

(Ўз мухбиримиз)

